

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**260** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтадан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 февралдаги 50-сон ҳамда «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 1 мартдаги 52-сон қарорлари)

Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтадан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 февралдаги 50-сон ҳамда «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 1 мартдаги 52-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 20 июнь,  
183-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 20 июндаги 183-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги 440-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 11-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактаби тўғрисидаги низомда:

а) III бўлим 9-бандининг учинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) халқ таълими бўлими» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) V бўлимда:

3-банднинг йигирма еттинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) халқ таълими бўлими» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг бешинчи хатбошидаги «халқ таълими туман, шаҳар органлари» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «халқ таълими маҳаллий органи (шаҳар, туман ХТБ, вилоят ХТБ, Тошкент шаҳар ХТББ) билан» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари, вилоят халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармалари билан» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг иккинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) халқ таълими органлари» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) VI бўлим 10-бандининг тўққизинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) халқ таълими бўлими» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) VII бўлимнинг иккинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) халқ таълими органлари» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 8-сон, 29-модда):

а) 1-илова (Биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари тўплами билан текин таъминлаш тартиби)да:

1 ва 5-бандлардаги «туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари» ва «халқ таълими туман (шаҳар) бўлимларига» сўзлари тегишли равишда «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» ҳамда «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги «туман (шаҳар)» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илова (Кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синф ўқувчиларини қишки кийим-бош тўплами билан таъминлаш тартиби)да:

1-банддаги «халқ таълими туман (шаҳар) бўлимларига» сўзлари «халқ

таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «туман (шаҳар) халқ таълими» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «туман (шаҳар) халқ таълими» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасасининг уставини ишлаб чиқиш тартиби 10-бандининг саккизинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) таълим бўлимининг» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарориди:

а) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 1-илова (Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом)да:

5.5-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5.5. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мактаб ўқувчиларига ҳамда ота-оналарга психологик-педагогик маслаҳатлар беради, уларда ўзининг келгусидаги таълим ва касб-хунар йўлини оқилона танлашни шакллантиришга кўмаклашади;

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мактабнинг педагогик кенгаши билан биргаликда, аттестация якунларига кўра, 9-синфларнинг битирувчиларига ўқишни академик лицейда ёки касб-хунар коллежида давом эттириш тўғрисида асосланган тавсиялар беради»;

6.1-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «халқ таълими шаҳар ва туман бўлимлари» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш шаҳар ва туман бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида низом 3.1-бандининг иккинчи хатбошидаги «касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 18-модда):

а) 2-илова (Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида низом)нинг I қисми 4-банди «а» кичик бандидаги ва 46-бандидаги «халқ

таълими» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илова биринчи қисмининг (Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низом) 5-бандидаги, 8-бандининг биринчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошидаги, 12-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 15-бандининг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошидаги, 26-бандидаги, 30-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 31 ва 32-бандларидаги тегишли келишиқ қўшимчалари билан «халқ таълими бўлими», «халқ таълими бўлимлари» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими», «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 76-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги «вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимларининг намунавий тузилмаси 3 — 6-иловаларга мувофиқ» сўзлари «ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 — 5-иловаларга мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 7-илова (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги низом)да:

3-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимлари» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи — қирқ саккизинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — қирқ еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

16-банднинг учинчи хатбошидаги «Туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимлари» сўзлари «Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги 410-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 88-модда):

а) 5-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 7-банднинг тўртинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари» сўзлари тегишли келишиқ қўшимчалари билан «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловадаги «Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари» сўзлари «Халқ

таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 63-модда):

а) 1-илова 3-бандининг «Лавозимлар номи» устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг методик таъминлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва давлат таълим стандартлари мониторинги гуруҳлари ходимлари»;

б) 2-илованинг 1.2 ва 2.3-кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 3-илованинг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ оширилган тақдирда халқ таълими муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари (лавозим маошлари) белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда қайта кўриб чиқилади»;

г) 4-илованинг 12-банди иккинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига 1-иловадаги «Шаҳарлар ва туманлар халқ таълими бўлимлари» сўзлари «Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 июндаги 110-сон қарорига 2-иловадаги «Туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимлари» сўзлари «Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 10-сон, 60-модда):

а) 1-илованинг 16-бандидаги ҳамда 17-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «халқ таълими бўлимлари» ва «халқ таълими бўлимларининг»

сўзлари тегишли равишда «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари» ҳамда «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловининг 8-бандидаги «туман (шаҳар) халқ таълими бўлими» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги 104-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 5-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари тўғрисидаги низомнинг 22-бандидаги «халқ таълими бўлими» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 июндаги 145-сон қарори билан тасдиқланган Болаларнинг умумий ўрта таълим билан, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг — ўрта махсус, касб-хунар таълими билан қамраб олиниши, шунингдек академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши, олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши ҳамда олий ўқув юртлари битирувчилари ва муддатли ҳарбий хизматни тугаллаган шахсларнинг ишга жойлашининг доимий мониторингини олиб бориш учун таҳлилий ахборотларни тайёрлаш схемасининг 1-бандидаги «Туманлар ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари» сўзлари «Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 43-модда) билан тасдиқланган Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари тўғрисидаги низомнинг 11, 12-бандларидаги ва 13-бандининг иккинчи хатбошидаги «халқ таълими бўлимига», «халқ таълими бўлими» ва «халқ таълими бўлимлари» сўзлари тегишли равишда «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига», «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими» ҳамда «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар спортини ривожлантириш соҳасида бошқарувни янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 19 мартдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратининг тuzилмасида:

«Мактабдан ташқари таълим муассасалари шўъбаси» блоки «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси» блоки билан алмаштирилсин;

«Мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар» бўлимидаги «Республика

мактабдан ташқари таълим муассасалари: Ўқувчилар саройи, техник ижодиёт марказлари, болалар ва ўсмирлар туризми ўқув-методик маркази, ёшлар маркази» сўзлари «Баркамол авлод» республика болалар бадий ижодиёт маркази», «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази», «Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталига жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотлар рўйхатида:

а) 67 ва 68-бандлардаги «шаҳар халқ таълими бўлимининг» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 69-банддаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари билан ишлаш бўйича туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг ахборот хизматлари телефонлари; туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари хузуридаги ўқувчиларни касбга йўналтириш ва уларнинг психологик-педагогик ташхиси марказлари телефонлари» сўзлари «Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари билан ишлаш бўйича ахборот хизматлари телефонлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 декабрдаги 291-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 12-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартибида:

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «халқ таълими бўлимлари» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «халқ таълими бўлимлари» сўзлари «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.